

## **Юқори малакали кадрлар тайёрлашда таянч докторантура ва докторантура фаолияти таҳлили**

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л. Азизованинг 25.02.2020 йил ТТА Илмий кенгашидаги маъруза матни

Тошкент тиббиёт академиясида юқори малакали кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармонига, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларига мувофиқ фаолият юритилади.

1. ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ.
2. ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ.
3. ИЛМИЙ УНВОНЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ.
4. МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОНЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ.
5. ЭКСПЕРТ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ.

Йил давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ижроси таъминланади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик институти шаклида олиб борилади.

**Таянч докторантура** – Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари томонидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олувчилар учун олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли

**Докторантура** – Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари томонидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда фан доктори (DSc) илмий даражасини олувчилар учун олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

**Мустақил изланувчилик** – ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда фалсафа доктори ёки фан доктори илмий даражасини олиш учун ташкил этилган олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

### **Таянч докторантурага қабул қилиш тартиби:**

1. Магистр даражаси ёки клиник ординатура тўғрисидаги дипломга эга бўлиши
2. Муайян илмий натижаларга, шу жумладан илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камидা 1 та илмий мақолага ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камидা 2 та тезисга эга бўлиши.
3. Коллегиал орган (ТТА Илмий кенгаши) қарори билан магистратура ёки клиник ординатурадан кейин камидা 2 йилдан-4 йилгача илмий-педагогик ёки амалий иш стажига эга бўлиши
4. Кириш учун чет тили ва мутахассислик бўйича имтихон топширадилар. Талабгор амалдаги IELTS-5,5, TOEFL (PBT)-567 дан кам бўлмаган, TOEFL (iBT)-87 баллдан кам бўлмаган, CEFR-B2 даражадан паст бўлмаган тасдиқловчи сертификатга эга бўлса чет тили имтихонини топширмайди.

### **Докторантурага қабул қилиш тартиби:**

1. Фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек унга тенгглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражаларга эга бўлиши
2. Муайян илмий натижаларга, шу жумладан илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камидা 3 та илмий мақолага ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камидা 2 та тезисга эга бўлиши.
3. Кириш фақат сухбат асосида ташкил этилади

Докторантура учун хужжатлар 15-сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади  
Имтихонлар 1-25 ноябргача үтказилади.

Таянч докторантура ва докторантура ўқиши муддати умумий иш стажига қўшилади!

**МИ институтига қабул қилиш тартиби:**

1. PhD- МИ га кирувчилар магистр даражаси ёки клиник ординатура тўғрисидаги дипломга ва DSc-МИ га кирувчилар эса Фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражаларга эга бўлиши
2. Камида 2 йиллик илмий-педагогик ёки амалий иш стажига эга бўлганлар (Коллегиал орган-ТТА Илмий кенгаши қарори билан 2 йилдан 4 йилгача талаб қилиниши мумкин), ёки муайян илмий ютуқларга (ихтиро патенти, муаллифлик гувоҳномалари) эга бўлганлар
3. Кириш фақат мутахассислик бўйича сухбат асосида ташкил этилади

Докторантлар илмий иш мавзулари ноябрь ойида академия Илмий кенгашида тасдиқланди, 5 декабргача вазирликка тақдим этилди. Ўқиши 1 январдан бошланди.

Тошкент тиббиёт академияси учун 2020 йилга 12 та PhD ва 1 та DSc ўринлар ажратилган эди. 14.00.25-Лаборатор ва функционал диагностика, 14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология ўринларга хужжат топширганларнинг хужжатлари талабга жавоб бермади. 14.00.05-Ички касалликлар учун 2 та ўринга алмаштирилди ва 14.00.13-Неврология ихтисослиги учун 1 та қўшимча ўрин ажратилди. Жами 13 та PhD ва 1 та DSc қабул қилинди. 14.00.01-Акушерлик ва гинекология ихтисослиги бўйича 1 та PhD чет эл фуқароси шартнома асосида қабул қилинди.

2020 йилдан бошлаб мустақил изланувчилар йилда 4 марта -5 декабрдан, 5 марта, 5 июндан ва 5 сентябрдан қабул қилинадилар. 2019 йил 5 декабрдан 14 нафар мустақил изланувчи қабул қилинди.

Барча докторант ва мустақил изланувчиларнинг илмий иш мавзулари 2020 йил январь ойида академия Илмий кенгашида тасдиқланди.

Ҳозирги кунда академияда 174 нафар илмий изланувчилар, жумладан 62 нафар докторант, 112 нафар мустақил изланувчилар таҳсил олмоқда. (2020 йил 1 январ ҳолати)

Барча докторант ва мусчтақил изланувчилар режа асосида илмий изланишларини давом эттироқдалар.

2019 йилда ТТА да 3 та таянч докторант ўқишини тугатди. Ядгарова Наргиза Фахритдиновна, 14.00.18-Психиатрия ва наркология, илмий раҳбар Ашурев Зарифжон Шарифович, тиббиёт фанлари доктори, муддатидан олдин ҳимоя қилди. Хасанов Мардон Мухаммадикович, 14.00.31-Урология, илмий раҳбар Мухтаров Шухрат Турсунович, тиббиёт фанлари доктори, муддатида ҳимоя қилди, Кушаева Дилдора Сайдмуратовна, 14.00.13-Неврология, илмий раҳбар Якубова Марҳамат Миракрамовна, тиббиёт фанлари доктори муддатида ҳимоя қилди.

5 та таянч докторант муддатидан олдин ҳимоя қилди. Муддатидан олдин ҳимоя қилган таянч докторантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари моддий рағбатлантирилди. Юсупов Шоҳруҳ Шухратвоич, 14.00.21-Стоматология, илмий раҳбар Боймурадов Шухрат Абдужалилович, тиббиёт фанлари доктори, Бобамуратова Дилноза Турдикуловна, 14.00.21-Стоматология, илмий раҳбар Боймурадов Шухрат Абдужалилович, тиббиёт фанлари доктори, Холмуродов Умиджон Тургунович, 14.00.22-Травматология ва ортопедия, илмий раҳбар Каримов Муродулла Юлдашевич, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Уразалиева Ильмира Равкатовна, 14.00.23-Хамширалик ишини ташкил этиш, илмий раҳбар, Маматқулов Баҳрамжон Матқулович, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Инаков Шерзодбек Алишерович, 14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент, илмий раҳбар Маматқулов Баҳрамжон Матқулович, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

2019 йилда 28 нафар мустақил изланувчи ўқиши муддатини тугатди. 8 нафар мустақил изланувчи қарздор ҳисобланади 20 нафар мустақил изланувчи ҳимоя қилди.

2019 йил 17 нафар мустақил изланувчи муддатидан олдин ҳимоя қилди.

1. Анваров Жахонгир Абрагимович, 1-босқич, илмий раҳбар Ахмедова Муборак Джалиловна, тиббиёт фанлари доктори;
  2. Рахматуллаева Гулноза Кутбиддиновна, 14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология, 1-босқич, илмий раҳбар, Хамраев Аброр Асрорович, тиббиёт фанлари доктори;
  3. Болтабоев Улугбек Абдулвалимович, 14.00.07-Гигиена, илмий раҳбар, Азизова Феруза Лютпиллаевна, тиббиёт фанлари доктори;
  4. Тавашаров Баходир Назарович, 14.00.02-Морфология, 1-босқич, илмий раҳбар, Сагатов Тулаган Агзамович, тиббиёт фанлари доктори;
  5. Хусanova Наргиза Фарходовна, 14.00.07-Гигиена, илмий раҳбар Шайхова Гули Исламовна, тиббиёт фанлари доктори;
  6. Муминов Рустам Тулкинбаевич, 14.00.34- Йорак қон-томир хирургияси, илмий раҳбар, Каримов Шавкат Ибрагимович, тиббиёт фандари доктори, профессор;
  7. Алимов Ижод Рустамжонович, 14.00.28-Нейрохирургия, илмий раҳбар, Алиходжаева Гулнора Алайтдиновна, тиббиёт фанлари доктори;
  8. Қурбонова Зумрад Чутбаевна, 14.00.29-Гематология ва трансфузиология, илмий раҳбар, Бабаджанова Шоира Агзамовна, тиббиёт фанлари доктори;
  9. Алмуродова Дилбар Мурадовна, 14.00.14-Онкология, Атаханова Нигора Эргашевна, тиббиёт фанлари доктори;
  10. Камилова Ирода Абдурасулвна, 14.00.01-Акушерлик ва гинекология, Пахомова Жанна Евгеньевна, тиббиёт фанлари доктори, доцент
  11. Юсупова Дилноза Бахтияровна, 14.00.14-Онкология, илмий раҳбар, Гафур-Ахунов Мирзо Аллаёрович, тиббиёт фанлари доктори;
  12. Кангилбаева Гузал Еркиновна, 14.00.08-Офтальмология, 2-босқич, илмий раҳбар Баҳритдинова Фазилат Арифовна, тиббиёт фанлари доктори;
  13. Имомалиева Камила Махсудовна, 14.00.08 – Офтальмология, 2-босқич, илмий раҳбар Билалов Эркин Назимович, тиббиёт фанлари доктори;
  14. Билалов Баҳодир Эркинович, 14.00.08 – Офтальмология, 2-босқич, илмий раҳбар Баҳритдинова Фазилат Арифовна, тиббиёт фанлари доктори, офтальмология
  15. Азизова Дилзода Маратовна, 03.00.01-Биохимия, 2-босқич, илмий раҳбар, Сабирова Рихси Абдуқадировна, тиббиёт фанлари доктори
  16. Турсунов Джаконгир Хусанович, 03.00.01-Биохимия, 2-босқич, илмий раҳбар, Сабирова Рихси Абдуқадировна, тиббиёт фанлари доктори;
  17. Абдурахмонова Наргиза Мирза-Бахтиёрхоновна, 14.00.05-Ички касалликлар, 2-босқич, илмий раҳбар Ахмедов Холмурод Сагдуллаевич, тиббиёт фанлари доктори.
- Муддатида ҳимоя қылмаган мустақил изланувчилар ҳозирги кунда кафедра мухокамасидан, кафедралараро мухокамадан ўтишмоқда ва Ихтисослашган кенгашга топширишмоқда  
(минимумлар топширилган).

#### **Ўз вақтида ҳимоя қилиш учун:**

1. 3-босқич докторант ва мустақил изланувчилар январь ойидан кафедра мухокамасини бошлиши керак.
2. Таңғач докторант ва мутақил изланувчилар малакавий имтихонларни 2-курсда тўлиқ топшириши лозим.
3. Докторант ва МИ институтига киргандан кейин талаб бир хил, буни унутмаслик ва ўз вақтида берилган ва тасдиқланган шахсий режа асосида ишни олиб бориш лозим.
4. Тасдиқланган шахсий режани тўлиқ бажара олмаган изланувчиларга илмий маслаҳатчи жавобгардир.